ТИЛШУНОСЛИКДА МЕТОДОЛОГИК РЕФЛЕКСИЯ

А.РАҲИМОВ

В данной статье рассматриваются некоторые вопросы методологической рефлексии на основе парадигмальных изменений научных ориентаций в области лингвистики.

Present article deals with some issues of methodological reflection are considered on the basis of paradigmal changes and upheavals of scientific orientation in the field of linguistics.

Тарихдан маълумки, методология масаласи илм-фан тараққиётида ҳамиша муҳим аҳамият касб этган. Фаншунос олим Томас Кун назарда тутган фан тараққиётидаги "илмий инқилоблар" методологик рефлексияга бўлган эҳтиёж туфайли юз берган. Ҳар қандай фан маълум парадигмага таянган ҳолда узоқ муддат ривожланади, шундай бир пайт келадики, идеал саналган парадигма муаммоларга ечим топа олмай қолади, шунда босиб ўтилган йўлга тубдан қайта нигоҳ ташланади, масаланинг ечими топилмаётганининг сабаблари ҳақида чуқур мушоҳада қилинади. Фанда ушбу қайта баҳолаш жараёни ***методологик рефлексия*** деб аталади. Бу ҳолатга 1960 йилда Ж.П.Сартрнинг *"Метод масалалари"* номли рисоласидаги танқидий қарашлар ёрқин мисол бўла олади. У китобнинг "Диалектик онг танқиди" деб аталган қисмида марксизмни ҳам, экзистенциализмни ҳам кескин танқид қилди [1.9].

XIX асрнинг охирларида Францияда юзага келган постмодернизм оқими билиш фалсафасига ўзига хос ижобий таъсир кўрсатди. Бунга кўра борлиқни фақат илмий билиш методи билангина мукаммал равишда англаб бўлмайди, билиш жараёнида поэтик-метафорик методнинг ҳам муҳим аҳамият касб этиши ва билишда символика, интуиция ва иррационализмга ҳам эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, метафоралар тамомила илмий билишнинг асоси бўла олмайди, метафоралардан билишнинг бир усули сифатида фойдаланиш мумкин. Чунки Ж.Бодрийярнинг фикрича, метафоралар илм-фаннинг бир қийматлилик принципига мувофиқ келмайди ва улар "икки томонлама семиотик структура"га эга [2.360].

Методологик нуқтаи назардан тушунчавий ёки метафорик тил танлови назарий билишнинг замонавий ҳолатини кўрсатадиган қарама-қарши икки гносеологик парадигманинг турли шаклларда воқеланиши демакдир. Яъни бунда икки йўл пайдо бўлди: бири француз постмодернизми изидан бориб илмий билишни поэзия билан яқинлаштириш, яна бири илмий-назарий тафаккур структурасига йўналган мумтоз илмий дискурсни қайта тиклаш. Бугунги кунда шундай мураккаб вазият пайдо бўлдики, бу ҳолатни синергетика нуқтаи назаридан бифуркация деб баҳолаш мумкин. Ёки учинчи шундай йўл ҳам борки, унга кўра ким фан оламига кирар экан, ўз методологик ориентациясини ўзи танлаши ва белгилаши зарур бўлади.

XX асрнинг охирги ўн йиллигида методологик вазият баҳоси шу даражагача етиб бордики, умуман "фаннинг тугаши, инқирози" хусусида тез-тез гапириладиган бўлди. 1989 йилда Нью-Йоркда инглиз физиги Р.Пенроузнинг *"Қиролнинг янги ақли"* номли китоби нашр этилди. Мазкур бестселлер китоб таъсирида жуда кўп олимлар шундай хулосага кела бошладилар: "Буюк кашфиётлар ва ихтиролар даври тугади. Келгуси тадқиқотлар буюк ўзгаришлар ва илмий инқилобларни келтириб чиқармайди" [3.78]. 2000 йилда машҳур файласуфлар ва олимлар иштирокида мингйилликдаги методология муаммоларига бағишланган *"Англаш йўллари: янги тил сари"* мавзусида "очиқ мулоқот" матнлари ЮНЕСКО нашриёти томонидан чоп этилди.

Ачинарлиси шундаки, Европада методологик муаммолар хусусида баҳслар бўлиб турган бир пайтда собиқ шўро даври барча фанлар, айниқса, тилшунослик учун догматизация даври бўлди, бунда идеологик ҳукмронлик устувор бўлди, ижтимоий фанлар, хусусан, тилшунослик, тарих, адабиёт фанлари юқоридан белгиланган тайёр методологик установкалар асоратида бўлди, маълум бир янгича таҳлил методлари ва усулларини ҳисобга олмаганда бу даврда методологик рефлексия жараёни деярли кузатилмади. Диалектика ҳам марксизм, ленинизмга мажбуран бўйсундирилиб, ясама диалектика яратилди ва у барча фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилди. Ҳеч қайси илмий ёндашув диалектик материализмга муқобил сифатида белгиланмади. Айрим олимларнинг методологик плюрализм ҳақидаги қаҳрамонона ҳаракатлари, хусусан, нисбийлик назарияси, информация назарияси, системавий ёндашув, кибернетика, семиотика каби янги йўналишлардан методологик асос сифатида фойдаланиш зарурлиги ва уларнинг тамойиллари диаклектик материализмга зид келмаслиги, балки уни муайян даражада бойитиши, тўлдириши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари қаттиқ танқид остига олинган ва ўша давр терминологияси бўйича "вульгаризм", "ревизионизм" сифатида ерга урилган, ушбу фикр эгалари қаттиқ сиқувга олинган. XX асрнинг 60-йиллари охирига келиб астасекинлик билан методологик рефлексия жараёни юз бера бошлади, яъни билишда янги методолгик дас-

тур - системавий ёндашув шаклла бошлади. А.И.Уемов системавий ёндашувнинг методологик аҳамияти хусусида шундай ёзади: “Систем методологиянинг пайдо бўлиши XX асрда барча фанлар методологиясида муҳим воқеа бўлди. Уни қадимги дунёда мантиқ фанининг шаклланиши ва Ф.Бекон номи билан боғлиқ бўлган индуктив методологиянинг юзага келиши каби феноменларга қиёслаш мумкин” [4.43]. Немис олими Л.фон Берталанфининг умумий системалар назарияси барча фанларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, системавий ёндашув тилшунослик фанига жуда катта таъсир кўрсатган, мазкур методология асосида тилшуносликда инқиболий ўзгаришлар юзага келган. Хусусан, XX асрнинг 20-йилларида структурализм йўналишининг шаклланиши, у билан боғлиқ равишда систем-структур ёндашувнинг ва функционал таҳлилнинг юзага келиши фикримиз исботидир. Бунга кўра структураларнинг мавжудлиги системавийликнинг умумий белгиси ҳисобланади ва ҳар қандай системани ўрганиш унинг структураларининг юзага чиқиши билан бошланади. Лекин “структурализмнинг отаси” Ф.Де Соссюрнинг ўзи “система” терминидан фойдаланган, структурализмнинг давомчилари “структура” тушунчасини ҳам кенг эътироф этдилар. Э.Бенвенист шундай ёзади: “Тилни система сифатида талқин этиш унинг структурасини таҳлил этиш демакдир. Ҳар қандай тизим ўзаро бир-бирини тақозо этувчи бирликлардан, унсурлардан ташкил топади, у бошқа системалардан ўз структураси билан, структурани ташкил этувчи бирликлар ўртасидаги ички муносабатлар билан ажралиб туради” [5.61]. Шунга кўра айтиш мумкинки, тил – система, грамматика эса тилнинг алоқа воситаси сифатида функционаллашувини таъминловчи структура саналади.

XX асрнинг ўрталарига келиб мураккаброқ биологик ва социал тизимларни ўрганишда систем-структур ёндашув тўла методологик асос бўла олмаслиги кўриниб қолди. Бу жараёнда ҳам кичик методологик рефлексияга эҳтиёж сезилди, систем методологиянинг айрим жиҳатларини танқидий идрок этишга тўғри келди. Физиолог П.К.Анохин организмларни баҳолашда структур таҳлилни функционал таҳлил билан бирга, ҳамкорликда олиб бориш лозимлигини таъкидлади, организмни “функционал система” сифатида талқин қилди ва функционализмни таҳлилнинг асосий тамойили сифатида белгилади: “Функция структурани белгилайди” [6.16]. Шу фикрга ҳамоҳанг социолог Т.Парсонс ҳам ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш учун “структур-функционал ёндашув”ни ишлаб чиқди [7.25]. Ушбу ёндашув тилшуносликка ҳам кириб келди, у Прага структурализм таълимотининг асосий тамойили саналган, шу боис бу йўналиш “функционал тилшунослик” номи билан ҳам аталган.

2003 йил Москвада Р.Г.Баранцевнинг “Синергетика в современном естествознании” номли китоби нашр этилди, китобнинг биринчи боби *“Яхлит ёндашувнинг структур методологияси”* деб аталган бўлиб, синергетика бугунги кунда табиий фанларнинг методологик асоси бўлиши мумкинлиги асосланган [8.12]. Кишиневда шунга ўхшаш Л.А.Мосионжникнинг *“Гуманитар фанлар учун синергетика”* монографияси чоп этилди, унда синергетика барча фанлар учун янги методология сифатида хизмат қилиши, у ўзининг универсаллиги ва релевантлиги билан табиат ҳодисаларини ўрганишда ҳам, гуманитар фанларнинг объектларини тадқиқ этишда ҳам муҳим методологик аҳамият касб этиши таъкидланган [9].

Метод муаммоси илмий билиш назариясида ҳам, бадиий ижод назариясида ҳам, фалсафий мушоҳада юритишда ҳам имманент хусусиятга эгалиги намоён бўлмоқда, қандай бўлмасин у рационал асосини сақлаб қолмоқда. Табиий ва аниқ фанлар негизида юзага келган информация назарияси, кибернетика, синергетика каби янги йўналишлардаги методология аста-секинлик билан ижтимоий-гуманитар фанларга кириб келмоқда ва натижада улар умумилмий назарий-методологик мақомга эга бўлмоқда. Демак, методологик парадигманинг мазмун-моҳияти цивилизациялар тарихининг муайян босқичларида инқилобий ўзгаришлар ва муҳим кашфиётлар билан чамбарчас боғликдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Сартр Ж.П. Проблемы метода. – М., 1994. - С. 9.
2. Бодрийяр Ж. Символический обмен и смерть. – М., 2000. - С.360.
3. Хорган Дж. Конец науки: Взгляд на ограниченность знания на закате Века.- М.:Наука, 2001. – С. 78.
4. Уемов А.И. Системные аспекты философского знания.- Одесса, 2000. - С. 43.
5. Бенвенист Э. Общая лингвистика. - М., 1974. - С. 61.
6. Анохин П.К. Избр. труды: философские аспекты теории функциональной системы. - М., 1978. – С. 16.
7. T.Parsons. Action Theory and the Human Condition. - N.-Y., 1978. – P. 25.
8. Баранцев Р.Г. Синергетика в современном естествознании. - М., 2003. -С. 12.
9. Мосионжник Л.А. Синергетика для гуманитариев. - Кишинев, 2003.

Андижон давлат университети
2011 йил 8 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)